Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 78 (5369).
5 АПРЕЛЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

60

2 КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

БУЮК ПОЧИН АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Б. АЛИЕВ,
Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари.

— Районимиз меҳнаткашлари Тошкентнинг барча меҳнаткашлари қатори мустақиллик ва шаҳар илғор корхоналари ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ленинча коммунистик шанбаликни юксак уюшқоқлик билан, ғоявий-сиёсий ўтказишга тараддий кўришяпти, ана шу куннинг энг юқори меҳнат унумдорлиги билан нишонлашга тараккат қилишяпти.

Райондаги ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот ва муассасада шанбалик ташкил этилган. Барча меҳнат коллективларида ҳар бир ишнинг энг юқори унумдорликка эришиш учун ишлаб чиқариш программалари белгиланган, участкалар олдидан ҳом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ҳар бир кишига конкрет топшириқ берилган, социалистик мусобақа шартлари ўйлаб чиқилган. Кўпгина илғорлар ва новаторлар шу кунга смена нормасини 1,5-2 баравар адо этиш ҳақида шахсий мажбуриятлар қабул қилишган. Ленин ордени кавалери, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механизаторлар меҳнаткашлари қатори москваликларнинг 21 апрелда ленинча коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини шаҳримизда биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди. 7, 26, 31-механиклаштирилган цехларининг илғор коллективлари, Л. Недорезов, С. Шульженко, Н. Сидоренко бригадалари ва бошқалар шу куни энг юқори унумдорлик билан меҳнат қилиш, смена нормасини 10—15 процент ортиғи билан бажариш мажбуриятини олдилар.

Тракторсозлар меҳнат байрами куни қишлоқ меҳнаткашлари учун қарийб 200 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, 10 минг сўм даромад олишга аҳд қилдилар.

Корхонада социалистик мусобақа юксак катижаларга эришишнинг муҳим омили бўлади. Меҳнат беллашувига ҳар икки соатда якун чиқарилиб, унинг натижалари «Чақмоқ» ва деворий газеталарда, завод радиоси орқали маълум қилиб турилади. Тушки танаффус пайтида агитбригада, бадиий ҳаваскорлик коллективи концерт қўйиб беради.

Коммунистик шанбаликда қарийб 12 минг киши иштирок этади. Беш йиллик фондига 8,7 минг сўм ўтказилади.

65 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди.

Ўн биринчи беш йиллик фондига 84 минг сўмга яқин пул ўтказилади.

Халқ хўжалигига 200 тоннадан зиёд лак-бўёқ материаллари, 150 та болалар велосипеди, 700 квадрат метр мебель ойналари, 100 тонна навли ун, 40 мингта грампластинка етказиб берилади.

Меҳнат байрами куни қурилишларда 6 минг 500 киши ишлайди. Шулардан 1250 нафари ишга туширилади объектларда меҳнат қилади. Жами 251 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Қурувчилар ўн биринчи беш йиллик фондига 4 минг сўм ўтказишади. Меҳнат байрамига 2 та турар жой биноси — Пушкин—Салор массивидаги 2- ва Из. майлово массивидаги 26-уй фойдаланишга топширилади.

Район транспорт корхоналарининг коллективлари шу куни қарийб 2 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб беради.

Район бўйича қарийб 170 минг киши ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. Шанбалик куни улар 14 минг туп дарахт ва буталар 25 минг тупдан зиёд гул ўтказадилар. 31 километрдан зиёд суғориш тармоқлари тозаланади, 4 минг тоннага яқин чиқинди чиқариб ташланади. 100 тоннадан зиёд темир-терсак топширилиб, бошқа бир қатор ишлар бажарилади.

Шу кунларда район корхоналари ва ташкилотларининг кўп нусхали газеталари ва радио газеталарининг редакциялари ленинча коммунистик шанбаликка тайёргарликнинг боришини кенг ёритишяпти.

НОРМАДАН — РЕКОРДГА


«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механизаторлар меҳнаткашлари москваликларнинг 21 апрелда ленинча коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини шаҳримизда биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди. 7, 26, 31-механиклаштирилган цехларининг илғор коллективлари, Л. Недорезов, С. Шульженко, Н. Сидоренко бригадалари ва бошқалар шу куни энг юқори унумдорлик билан меҳнат қилиш, смена нормасини 10—15 процент ортиғи билан бажариш мажбуриятини олдилар.

Тракторсозлар меҳнат байрами куни қишлоқ меҳнаткашлари учун қарийб 200 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, 10 минг сўм даромад олишга аҳд қилдилар.

Корхонада социалистик мусобақа юксак катижаларга эришишнинг муҳим омили бўлади. Меҳнат беллашувига ҳар икки соатда якун чиқарилиб, унинг натижалари «Чақмоқ» ва деворий газеталарда, завод радиоси орқали маълум қилиб турилади. Тушки танаффус пайтида агитбригада, бадиий ҳаваскорлик коллективи концерт қўйиб беради.

Коммунистик шанбаликда қарийб 12 минг киши иштирок этади. Беш йиллик фондига 8,7 минг сўм ўтказилади.





СУРАТЛАРДА: Тошкент экскаватор заводининг коллективи бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларига қудратли ер кавлаш техникаси — Э—304Г экскаваторларини етказиб бермоқда. Юқоридаги суратда заводнинг илғор комплектловчилари Н. Назруллаев ва К. Папанастасиу; Тошкент ГРЭСи марказлашган ремонт цехининг механика устахонасида; «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг буюртмачиларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган маҳсулотлари; Куйбишев районининг энг кўркам кўчаларидан бири — Пушкин кўчасида.
М. Нуриддинов фотолари.





К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ

Социалистик интернационал раҳбар арбоблари мурожаатига

Социалистик интернационал раиси Вилли Брандтга, социалистик интернационалга кирган социалистик, социал-демократик ва лейбористлар партиялари раҳбарларига

ЖАВОБИ

Сизларнинг мурожаатингиз билан зўр эътибор ила танишиб чиқдим. Европада, умуман халқаро ишларда вазият жиддий равишда ёмонлашганлиги муносабати билан ҳавотирланиш бизга батамом тушунарлидир.

Қуролланиш, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси кучайиб, тобора даҳшатли бўлиб қолмоқда. Айни вақтда ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалаларига доир музокаралар жараёни фактлар кўрсатаётганидек қасддан барбод этилди.

Буларнинг ҳаммаси — таркиб топган кучлар мувозанатини бузишга, Совет Иттифоқидан ҳарбий-стратегик устунликка эришишга қаратилган маълум сиёсатнинг натижасидир. Бинобарин гўё бирон бир алоҳида ҳодиса юз бермаяпти деган хотиржам қилувчи ҳеч қандай баёнотлар билан, ҳеч қандай сохта сулҳпарварлик билан бундай сиёсатнинг нақадар ҳалокатли эканлигини яшириб бўлмайди.

Биз сизларнинг мурожаатингизда яхшилик сари силжишга эришиш зарур деб айтилган нуқтаи назарга қўшиламиз. Дарҳақиқат, мулоқот, шу жумладан, албатта, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида мулоқот зарур. Аммо бундай мулоқот тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига мос бўлиб тушадиган шартномаларни ишлаб чиқишга қаратилган ҳалол, амалий мулоқот бўлиши керак. Ишни шундай олиб бориш учун Совет Иттифоқининг иродаси ҳам, қатъият ҳам мавжуддир.

Аммо бунинг учун АҚШ томони ҳам тегишли даражада тайёр бўлиши керак. Ҳолбуки, Америка маъмурияти кейинги вақтларда СССР билан мулоқотга интиляпмиз деб ишонтираётган бўлса-да, уни бирон бир конкрет иш билан мустаҳкамламаяпти. Бунинг устига ишонтириб айтилаётган ана шу гаплар амалий ишлар билан рад этилмоқда. Европа тупроғида жойлаштирилаётган Американинг ҳар бир ядровий ракетаси билан хатарли чизиқ сари янги қадам қўйилмоқда. Бу ҳол ҳаниқатан ҳам амалий музокараларга, европаликлар учун, барча халқлар учун шу қадар муҳим бўлган масалаларни ҳал этишга тайёр эканликдан далолат берадими, ахир?

Бундан гап музокараларга тайёрлик тўғрисидаги сафсаталарда, баёнотларда эмас, балки ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришга доир музокаралар йўлида қўйилган ғовларни бартараф этишга тайёрликда эканлиги кўриниб турибди.

Совет Иттифоқи айни мана шуни ёқлаб чиқмоқда.

Биз қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолиш ҳамда уни орқага буриб юборишнинг эътиқодли тарафдорлари бўлиб келдик ва шундай бўлиб қолмоқдамиз. Совет Иттифоқи ўртага қўйётган таклифларнинг бутун комплекси мана шунга қаратилган. Барча ядровий аслаҳахоналарни дарҳол кўпайтирмасдан қўйиш, стратегик қуролларни чеклаш ва анча қисқартириш, Европада ядровий қарама-қаршиш туриш даражасини тубдан пасайтириш, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, химиявий қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш — уруш хавфини бартараф этишга қаратилган мана шу ва бошқа чора-тадбирларни ҳаёт тақозо этмоқда. Бу чора-тадбирлар реал бўлиб, барча давлатларнинг манфаатларига, жаҳон халқларининг талаблари ва орзу-умидларига баб-баравар даражада мос бўлиб тушади.

Бу гап ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар бўйсуниши лозим бўлган муайян нормалар ҳақида ва уларга мажбурий тус бериш тўғрисида шартлашиб олиш хусусида биз яқинда олга сурган таклифга ҳам тааллуқлидир. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ядро урушининг олдини олишни ўз сиёсатининг асосий вазифаси қилиб қўйишлари, ўзаро муносабатларини мана шуни ҳисобга олиб қуришлари муҳимдир.

Эслатиб ўтилган масалалар юзасидан шартномага эришиш бутун халқаро вазиятда, шунингдек Совет — Америка муносабатларида ҳам чинакам бурилишнинг бошланиши бўлиб қолиши мумкин эди. Сиёсий ирода мавжуд бўлган тақдирда биргаликдаги куч-ғайрат билан аҳволни яхшилик сари ўзгартириш мумкин.

Халқаро ишонч муҳитини тиклаш муҳим — бу ўткир зарурат бўлиб турибди. Стокгольм конференцияси ҳам бунда фойдали роль ўйнаши мумкин. Совет Иттифоқи конференция аҳамияти ва вазифасини айни мана шундай тушунишга асосланиб, биринчи навбатда кенг кўламли тадбирлар ҳақида — биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатишдан, умуман ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисида шартлашиб олиш учун курашмоқда.

Кейинги вақтларда Ғарбдаги турли доиралар, шу жумладан социалистик интернационал, кўпгина социалистик ва социал-демократик партиялар ҳам ядро уруши хавфини камайтиришга, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ташаббуслар билан майдонга чиқдилар. Бу — кескинликни юмшатиш жараёнини яна ҳаракатга келтиришга реал мойиллик борлигидан далолат беради.

Аммо бу нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Аҳволни ўнглаб олиш учун таъсирчан ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар талаб этилади.

Совет Иттифоқи уруш хавфини камайтириш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда жамики давлатлар билан, барча тинчликсевар инсонмоий кучлар билан кенг кўламда актив ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Бу гап социалистик интернационалга кирган партияларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Мен ҳам шуни жуда аниқ-равшан қилиб таъкидлаб ўтмоқчиманки, Совет Иттифоқи қуроланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатишга қайтиш, Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам муттасил ўтказа беради.

Ҳурмат билан

К. ЧЕРНЕНКО.

К. У. Черненконинг мактуби социалистик интернационалга кирган социалистик, социал-демократик ва лейбористлар партиялари раҳбар арбобларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатларнинг бошлиқларига йўллаган мурожаатига жавобдир.

В. Брандт ва бошқа арбоблар имзолаган мурожаатда халқаро вазиятнинг жиддий ёмонлашганлиги ва қуролланиш пойгаси кучайиб бораётганлиги келгусидаги истиқболни қоронғилаштиришда, дейилади. Воқеаларнинг ривожи контрол-ликдан чиқиб кетиши мумкинлигининг бевосита хавфи вужудга келмоқда.

Мурожаат авторлари қуролсизланишга ва қурол-яроғларнинг барча турлари устидан контролликка бағишланган музокаралар жараёнини яна бошлаш учун шарт-шароитлар яратишга куч-ғайратларни сафарбар этиш зарур деб ҳисоблайдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида мулоқот бошланиши керак деган фикрни билдиришмоқдалар ва ҳар иккала давлат ҳукуматларини мана шунга даъват этадилар.

Стокгольм конференцияси, дейилади сўнгра мурожаатда, ўзаро ишончни тиклаш ва Европада ҳарбий муҳолифлик хавф-хатарини камайтириш учун янги имкониятлар очади. Бу конференция стратегик қурол-яроғлар ҳақидаги ва Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли тўғрисидаги музокараларнинг яна бошланишига ёрдам берадиган муҳитни вужудга келтириши керак. Ядровий қуролланиш пойгасининг тобора кучайиб бораётган хатарли давраси тўхтатилиши лозим, дейилади мурожаатда. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ У. УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Учқун **Умаров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 4 апрель.

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

Намунали тартиб ўрнатайлик

Октябрь райони коллективлари кўчалар, проспектлар, турар жой массивлари қиёфасини тартибга келтиришда қандай иштирок этишяпти? Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария тозалиги икки ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар штабининг сайёр мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди.

Мазкур кампания бошлангандан бери ўтган бир ой давомида корхона ва ташкилотларнинг меҳнаткашлари, ўқувчилар ва студентлар кучи билан ўн минглаб дарахтлар ва буталар ўтқазилди, уларга биркитилган участкалар тартибга келтирилди. Шу билан бирга, деб таъкидланди штаб мажлисида, айрим коллективлар ана шу муҳим ишдан четда қолмоқдалар. Ободонлаштириш ишларига ҳали ҳам киришмаган Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг савдо-кулинария билим юрти, маданий-оқартув техникуми, турар жой ташкилотларининг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Октябрь районида намунали тартиб ўрнатиш учун аниқ тадбирлар қабул қилинди.

Штаб мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов иштирок этди.

Пассажирларга қулайлик яратишни кўзлаб

Бу йил метрополитен иккинчи линиясининг биринчи участкаси ишга туширилиши муносабати билан ер сатҳи пассажир транспорти ишини қайта ташкил этиш масалалари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида кўриб чиқилди.

Метронинг Навоий кўчасидан Вокзал олди майдонигача бўлган яна бир участкасини бунёд этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурувчилар барча ишларни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тантаналарига қадар тугатишга аҳд қилишган. Ҳадемай «зангори экспресслар» тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини тўғри темир йўл вокзалига элтиб қўядиган бўлади.

Метронинг «Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар проспекти», «Ойбек», «Тошкент» станцияларидаги бўлган янги участкасининг ишга туширилиши пассажир транспортининг мавжуд маршрутларини жиддий қайта ташкил этишни тақозо этади. Уларнинг ишини шундай ташкил этиш лозимки, метродан чиққан ҳамшаҳарларимиз ортиқча вақт сарфламай ўзларига зарур бўлган трамвай, троллейбус, автобусга ўтириб кетадиган бўлишсин. Мажлисда «Главташпасс» автотранс», трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси раҳбарларига, ободонлаштириш Бош бошқармасининг хизматларига, лойиҳачиларга ва мазкур масалага алоқаси бўлган бошқа ўртоқларга метронинг янги участкаси ишга туширилиши муносабати билан аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Транспорт маршрутларини қайта ташкил этишда тошкентликларнинг фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга. Трамвай, троллейбус, автобуслар ҳаракатига киритилиши лозим бўлган барча тузатишлар ҳақидаги мулоҳаза ва таклифлар барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасига, қуйидаги адресга: Тошкент — 60, Пролетар кўчаси, 33-уйга йўлланиши лозим.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Билим» жамияти Ҳамза район ташкилоти ва район ҳуқуқига эга бўлган В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бойланиш ташкилоти правлениеларининг қўшма пленуми бўлади. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь, декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорлари асосида лекция пропагандасининг доимий ва оммавий формаларини жорий этиш бўйича вазифаларни муҳокама қиладилар.

●

Киночилар уйида «Актёрнинг ижро маҳорати» мавзуида ижодий семинар ўтказилади. Таниқли киносанъаткорлар иштирок этадиган ана шу семинарда «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги киноактёр студияси ижодкорларининг ишлари, шунингдек актёрлик маҳоратини ошириш масалалари муҳокама этилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 9 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, деярли ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 3—5, эртага кундузи 10—15 даража иссиқ бўлади.

МУСОБАҚАЛАРНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Кеча «Юбилей» Марказий спорт залида фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионати баҳслари бошланди.

Якка тартибда учувчилар орасида харьковлик В. Егоров энг кўп балл тўплади. Иккинчи ўринни волгоградлик А. Ефремов, учинчи ўринни эса ленинградлик Л. Казнаков эгаллади. Тошкентлик фигурачи А. Хвалько ўн олтинчи бўлди.

Спорт рақсчила баҳсида энг кўп о тўпланган москвалик Австрийская ва Квашнин биринчи ўр ни эгаллашди. Ле градлик Л. Селезнёва О. Макаров иккин москвалик Н. Перш ва М. Акбаров учи ўринда боришмоқ Тошкентлик И. Шиш ва А. Сулаймонов дуруст натижа кўр тишди.

ДАЪВОГАРЛАР МАТЧЛАРИДА

● **ШАҲМАТ**

ВИЛЬНЮС. Бугун бу ерда жаҳон шахмат тожига даъвогарлар — Г. Каспаров ва В. Смислов ўн иккинчи партияни ўйнашади. 7:4 ҳисобида Г. Каспаров олдинда бормоқда.

СОЧИ. Л. Семёнова ва И. Левитина ўн биринчи партияни кечиктириш-ди. Бу ерда 5,5:4,5 собида И. Левит олдинда бормоқда.

● **ШАШКА**

ГААГА. (Голланди Халқаро шашка бўйи жаҳон биринчилигини ўн учинчи партияси Х. Вирсма ва В. Вирн дурангга рози бўлиш 7:6 ҳисобида Х. Вирс олдинда боряпти.

ВЕНГЕР ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнатчилари барча совет кишилари билан биргаликда Социалистик Венгриянинг миллий байрами — мамлакат фашизмдан озод қилинганлигининг 39 йиллигини нишонламоқдалар. Шонли санага бағишланиб 4 апрель куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан кишиларнинг ўқтиришича, Совет Армиясининг 1945 йил апрелидаги ғалабалари натижасида венгер меҳнаткашлари фашизм зулмидан абадий халос бўлиб, янги турмуш қуриш йўлига ўтдилар. Кўп йиллардан бери Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари мавжуддир, бу алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу куни Тошкентдаги «Дўстлик» магазинида венгер китоблари виставкаси очилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги умумий бўлими идорасининг мудири ўртоқ Серафима Петровна **Соколова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг катта референти ўртоқ Чингиз Мақсумович **Жалоловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.





• ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

9. БУ УНУТИЛМАС БАҲОР

РЕПОРТАЖ

Газ қазувчиларнинг ёш шаҳри Газлида юз берган зилзаланинг дастлабки кунидан бошлаб «Вечерний Ташкент», «Тошкент оқшоми» газеталари газетхонларни газлиликларнинг олдий иш кунлари билан таништириб борди, энг машаққатли пайтда ўзининг баркамол мазмуни билан намоён бўлган совет кишиларининг интернационал дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берилди. Бугун биз табиий офат юз берган маскандан ёзаётган репортажларимизнинг дастлабки туркумини ниҳоясига етказамиз.

Сўз махсус мухбирларимиз Сергей Ежков ва Тўлқин Каримовга:

Вақт тез ўтиб боряпти. Икки ҳафта муқаддам Газли бизни авзойи бузуқ ҳавоси ва томчилаб турган ёмғири билан кутиб олган эди. Бугун эса баҳор фасли ўзининг сепини ёзяпти. Чамандек очилган ўрик гули шаҳарчани қутлаётгандек. Бу шаҳарнинг оддий иш кунлари ўзининг ғайрати билан ажралиб турибди. Ён дафтардаги ёзувларни варақлаймиз. Исмлар, фамилиялар, рақамлар, фактлар. Улардан кейин одамлар билан қилинган суҳбатлар, кишиларнинг шахсий хотиралари, умуман газлиликлар табиий офат билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни қандай енгиб ўтишганлиги тўғрисидаги манзара, ҳар бир факт мазмунида совет кишиларининг биродарлиги, кўп миллатли Совет давлатининг қудрати намоён бўлади. Тошкентда чиқадиган «Оқшом» газеталари мухбирларининг, бу ерда дўстлари ва таниш-билишлари кўпайиб кетди, дўстларимиз айни чоғда газетамизнинг дўстлари ҳам бўлиб қолишди. Газлини республика пойтахтидан 500 километрдан ортиқ масофа ажратиб турган бўлса ҳам, ёш шаҳарчанинг юраги бутун Ўзбекистон, бутун бепоён мамлакатимизнинг юраги каби бир маромда уриб турибди.

Икки ҳафта — гоятда қисқа муддат, лекин ана шу вақт ичида кўпгина воқеалар юз берди. Улардан диққатга сазоворини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Киши қалбига далда берувчи дастлабки телеграмма ва хатлар, чодирлар ортилган дастлабки машина ва самолётлар, дастлабки озиқ-овқат ва дорилармонлар, уй-жой вагончалари. Ўзлаб бунёдкорлар, монтажчилар, табиий офатдан зарар кўрган шаҳарни қайта тиклаш чақиригига лаббай деб жавоб бердилар. Ўнлаб саховатли ташкилотлар, министрликлар ва идораларнинг вакиллари бу ерда етилган масалаларни ҳал этдилар. Ҳамжиҳатлик билан аниқ ишлаш яхши натижалар беряпти. «Бухоро — Марказ» қувури бўйича газ узлуксиз узатиляпти, газлиликларнинг турмуши йўлга қўйилган. Ҳар бир оила бир неча чодирда ёки бир неча вагончада яшаяпти. Шаҳар озиқ-овқат, нозу неъматлар, биринчи эҳтиёж моллари билан мунтазам таъминланяпти. Газлиликларнинг юзлаб фарзанди Бутуниттифоқ «Артек» ва «Орлёнок» оромгоҳларига юборилган. Якка тартибда алоҳида лойиҳа бўйича уй қуриш истагида бўлганларга бегараз пул ёрдами ва камёб қурилиш материаллари ажратиб берилди. Аҳолининг дам олиши ҳам қизиқарли ташкил этилган. Кинофильмлар кўрсатиляпти, бадиий ҳаваскорлик коллективлари маҳоратини намойиш этмоқда, қўғирчоқ театри труппаси бир неча кундан буён эркатойларга томоша кўрсатяпти. Бир сўз билан айтганда шаҳар баркамол нафас олмоқда. Фақатгина уй-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари, маиший хизмат корхоналари биноларидаги дарз чизиғи, бузилишлар ярим ой муқаддам бу ерда кучли ер ости довули юз берганлигидан далолат бермоқда. Лекин бу бинолларнинг танасидаги жароҳат яқин кунлар ичида битиб кетади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, республика қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узбекнефтегаз», «Узбекгазпром» лойиҳалаш группалари, Ўзбекистон инженерлик-техника изланиши институти изловчилари, Тошкент уй-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институти лойиҳаловчилари Тбилисидан келган ҳамкасблари билан ҳамкорликда зилзила бўлган масканнинг ер силкинишига бардошлигини, унинг келгусидаги истиқболини эътиборга олиб Газлининг янги қурилишлари лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.

... Биз Газлидан қайтар экканмиз, лекин у билан ҳайлашмаймиз. Табиий офатни бардошлик билан енгиб ўтган одамлар биз учун ғоятда қадрдон бўлиб қолишди, уларнинг ташвиши ва проблемалари ҳам бизга таниш бўлиб қолди. Шунинг учун биз бу шаҳарга «Яхши қол» деб айтмаймиз. Биз вақтинча хайрлашяпмиз.

«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбирларидан.

Газли, 5 апрель.

* * *

СУРАТЛАРДА: вақт ўтиб боряпти, масалалар ҳал этилишини талқазо этяпти; дастлабки газ қазувчиларга ўрнатилган ёдгорлик; очиқ ҳавода тушлик.

• КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Ташаббускор бўлайлик

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини одатда интизом ва ташаббускорлик жонкуярлари деб аташади. Бизнинг бирлашмамизда ҳам бундай кишилар анчагина бор. Биз доимо улар билан фахрланамиз. Интизом ва ташаббускорликда улардан намуна олишга интиламиз. Булар М. Қодирова, Б. Айменова, К. Мирзаева ва бошқалардир. Улар энг аввало ишга ҳалол ва виждонан ёндошишлари, доимо янги резервларни излаб топишлари, ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлашлари билан ажралиб турадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида қайд этиб ўтилганидек, меҳнат интизоми аниқ мақсадни кўзлаб ва ҳар куни ўтказилаётган, унга барча ишчи-хизматчилар жалб этилаётган жойлардагина яхши натижалар беради. Бирлашмамизда, шунингдек бизнинг тўқув цехимизда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш юзасидан мусобақадошлар белгашуви пухта йўлга қўйилган. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда маъмурият ўзининг бутун ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини ҳозир ана шунга қаратмоқда.

Эришилган натижалар бизни хотиржамликка сололлмайди, албатта. «Эришилган натижаларни реалистик тарзда баҳолаш,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко февраль (1984 йил) Пленумида сўзлаган нутқида, — уни бўртириб юбормаслик, аммо камситмаслик ҳам керак». Ҳар биримиз ўз қилган меҳнатимизга ана шундай баҳо беришимиз, доимо олға интилиб, кўпроқ натижаларга эришишни кўзлашимиз керак. Бунда эса меҳнат интизоми ва ташаббускорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бирлашмамизда мусобақа якунларини кўриб чиқишда интизомга қандай риоя қилинаётгани албатта ҳисобга олинади. Бизда ҳар бир ишчи-хизматчи шуни яхши биладики, у меҳнат қилаётган бригада, цех ёки сменанинг мусобақада ғолиб чиқиши кўп жиҳатдан унинг шахсан ўзига боғлиқдир. Интизом деганда фақат ички меҳнат тартибига риоя қилишнигина эмас, ўз ишига доимо ижодий муносабатда бўлиш, ташаббускорлик, ишнинг юксак сифатли бўлишини таъминлашни ҳам тушунамиз. Шунинг учун ҳам тошширилган иш участкасида кўплаб коммунистлар ва комсомол аъзолари интизом, ташаббус ва масъулият намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига муносиб меҳнат армуғонларини ҳозирламоқдалар. Бунга мен ҳам муносиб ҳисса қўшишга интиляпман. Айниқса, комсомол ёшлар ўртасида иш олиб бориб, уларни янги ютуқларга эришишларга кўмакдош бўлмоқдаман.

М. БОСИТХОНОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистик меҳнат зарбдори.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЎҚИМАЧИЛАР НАМУНАСИ

УЛАН-БАТОР. Пойтахтдаги тўқимачилик комбинати коллективининг маблағ ва материаллар тежашга шахсан ва коллектив бўлиб қўшилган ҳисса ёзиб бориладиган дафтарчалар тутиш ташаббуси халқ Монголиясининг саноат корхоналарида ва хўжалик ташкилотларида кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Пойтахт тўқимачиларининг намунаси асосида иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатида ҳозир Монголия халқ хўжалиги турли тармоқларининг 17 мингдан ортиқ меҳнатчиси қатнашмоқда.

Тежамкорлик учун курашда социалистик мусобақа алоҳида роль ўйнамоқда. Ҳозир катта ва кичик корхоналарнинг коллективи шу мусобақага қўшилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, моддий ресурслардан имкони борича яхшироқ фойдаланиш, ички резервларни очиш ҳисобига плантопшириқларини барвақт бажаришга интилмоқдалар.

МХР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат планида барча тармоқларда материал ва хом ашё тежашни 60 миллион тугрикликдан ошириш, шу жумладан материал сарфлаш нормаларини қайта кўриб чиқиш йўли билан 21,5 миллион тугрикни тежаб қолиш белгиланган.

МУҲИМ ОБЪЕКТ

ХОШИМИН. Вьетнам жанубидаги Далат шаҳрида республика ядро тадқиқотлари институтининг атом реактори ишга туширилди. Бу реактор Совет-Вьетнам иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг муҳим объектидир.

Мамлакат жануби озод қилинишидан аввал америкалик агрессорлар вайрон этган реакторни қайта тиклашга икки йил муқаддам киришилган эди. Ҳар томонлама реконструкция қилинганидан кейин Далатдаги атом маркази анча кенгайтирилди, реактор қуввати икки баравар оширилди, ходимларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий системаси барпо этилди.

Далат институтининг фаолияти атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш давлат программасини амалга оширишнинг асоси бўлиб қолади. Бу ерда фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, илмий кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, медицина, геология ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун радиактив изотоплар ишлаб чиқариладиган бўлади.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ПРАГА. Чехословакиянинг Острава шаҳрида ирқчилик ва апартеидга қарши, миллий мустақиллик учун курашаётган халқлар билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Металлурглар, шахтёрлар, студентлар империализм сиёсатини, халқаро реакциянинг жаҳонда янги мустамлакачиликнинг сўнгги ўчоқларини сақлаб қолиш йўлидаги уринишларини қаҳр-ғазаб билан қоралашди. Митингда қабул қилинган резолюцияда унинг қатнашчилари жабр-зулм ва ирқий камситишнинг барча формаларини қатъиян қоралашди.

* * *

ГАВАНА. Куба пойтахтида озиқ-овқат молларни технологик ва санитария стандартларига бағишланган регионал конференция очилди. Конференция ишида Лотин Америкаси ва Карибҳавзасидаги 19 мамлакатдан 250 дан ортиқ эксперт иштирок этмоқда.

Куба вакили, нормалаштириш давлат комитетининг раиси Рамон Дарнас Родес конференцияни оча туриб, бу анжуман Лотин Америкасидаги мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деди.

* * *

ПАРИЖ. Франция пойтахтида металлургия саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартиришга қаратилган «умумий бозор» сиёсатига қарши норозилик намойиши бўлди. Намойишда мамлакатнинг турли саноат марказларидан Парижга келган тармоқ меҳнаткашларининг минглаб вакили иштирок этди. Намойишчилар «умумий бозор» директивасининг амалга оширилиши Франция металлургиясида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқартирилишига, ишсизларнинг кўпайишига, меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади, дедилар.

Бу намойиш Франция министрлар кенгашининг мажлиси арафасида ўтказилди.



ГФР. «Ишсизликка ва соцнал ҳуқуқларга барҳам беришга қарши биргаликда курашга отланингиз!» — Эссен шаҳрида бўлиб ўтган меҳнаткашларнинг намойиши қатнашчилари кўтариб олган плакатларда шундай сўзлар ёзилган.

* * *

1984 йил 25 апрелда Португалиядаги апрель революциясига ўн йил тўлади. Португалия пойтахти — Лиссабон мамлакатнинг бош порт ва савдо-саноат марказидир.

СУРАТДА: Тежу дарёсининг кемалар тўхтайдиган жойида.

О. Петрова фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Олий мактаблардан бири

ПРАГА. Прага олий иқтисодий мактабида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш учун бошқарув назарияси, иқтисодий психология ва социология, социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш фанлари асос қилиб олинган. Ўзининг ўттиз йиллигини нишонлаган Чехословакиядаги энг катта олий мактаблардан бўлмиш шу ўқув юрти халқ ҳокимиятининг тенгдошидир. Уни битириб чиққан ўн минглаб мутахассислар республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб турибди.

Олий иқтисодий мактабнинг илмий кафедралари Чехословакия экономикасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Муаллимлар билан студентлар хўжалик механизмини такомиллаштириш тадбирлари комплексини амалга оширишда актив қатнашмоқдалар.



САЛЬВАДОР. Мамлакатда Сальвадор режими террор ва репрессиянн кучайтирмоқда. Жазо отрядлари аҳоли пунктларини тинтув қилиб, маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий қамоққа олмоқда. Кундан-кунга бу қонунсиз ҳаттн-ҳаракат қурбонлари сони ошиб боряпти.

СУРАТДА: сальвадорлик жангчилар Ла-Пальмда жазо рейдини ўтказяпти.

АП—ТАСС телефотоси.

• ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ?

Уруғлик... кучланишда

Пахтадан қандай қилиб яхши ҳосил олиш мумкин, деган саволга ҳар қандай пахтакор кўкламда фақат тўқ чигитларни экиш керак, деб жавоб қайтаради. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн энергетика ва автоматика институтининг олимлари яратган установка, масалан, Чиноз пахта заводининг ходимларининг шундай уруғликларни танлаб олишларида ёрдам бермоқда.

Бирон модданинг массаси нечоғлик катта бўлса, унга электр майдони шунчалик заиф таъсир этишн кўпдан бери маълум. Олимлар ишлаб чиққан тўқ чигитларни танлаб олиш методига ана шу ҳодиса асос қилиб олинди.

Бункердан махсус транспортёрга уруғлик чигит солиб турилади. Транспортёр охирида икки параллель пластиналар ўрнатилган бўлиб, улар орқали кучланиш юксак ўзгармас ток ўтказилган. Уруғлик тўкилар экан, ана шу майдонга тушади ва ўзининг массаси ва сифатига қараб ҳар хил бурчакка оғади. Тўқ яхши чигитлар битта яшикка, пучлари эса иккинчисига тушади.

Ўтказилган экспериментлар натижасида юксак кучланиш майдонидан ўтказилиб экилган чигитлар қийғос униб чиқди. Бинобарин, экиладиган чигит миқдорн анча камаяди.

Янги метод билан ҳар қандай экин уруғлигига ҳам ишлов бериш мумкин.

(ЎзТАГ).



• ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Ремонталаб кўчалар

Ўлкамизга баҳор кириб келди. Ҳар фаслнинг ўзгача кўрк-файзи бўлгани каби, ўзига хос ташвишлари ҳам бўлади. Хусусан, одатдагидек бўлмаган бу йилги қиш қорларидан форғ бўлган шаҳар кўчаларининг бугунги қиёфаси қандай! Айрим қаровсиз кўча ва йўлларни тез фурсатда сифатли ремонт қилиб, фойдаланишга топшириш учун қандай зарур тадбирлар кўрилмоқда!

—Ҳозир биз шаҳарнинг транспорт энг серқатнов кўчаларида жорий ва тўла ремонт ишларини бажармоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг бош инженери А. Матвиенко —А. Навоий, Муқимий ва Ш. Руставели номли кўчаларда айни пайтда ремонт ишлари ниҳоясига етказилди. Кунига 200 дан ортиқ тажрибали хизматчиларимиз 25 га яқин адресдаги кўчада ремонт ишлари олиб боришмоқда.

Маълумки, шаҳар кўчалари фақат транспорт ҳаракатини таъминловчи манба бўлиб қолмай, у шаҳар ободончилигининг ҳам муҳим бир бўлагидир. Шунинг учун ҳам биз ҳар йили баҳорги ремонт ишларини яшил кўчатлар, дарахтлар ўтказиш билан бирга олиб борамиз.

Биз ҳозирги кунда биринчи навбатда қилишимиз зарур бўлган ишларни режалаштириб олдик. Биргина Акмал Икромов районида 30 га яқин кўча ва проездларни тўла ва жорий ремонт қиламиз. Бу ремонт ишларида биринчи марта эски, ишлатиб бўлинган асфальтни қайта ишлаб, ундан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Ўз навбатида бу янгилик бизга анчагина иқтисодий самара беради, иш унуми ортади, хом ашё тежалади.

Умуман, бу йил биз 270 дан ортиқ кўчада жорий ва тўла ремонт ишларини бажарамиз. Ремонт қилиниши керак бўлган кўчалар сони ўтган йилдагидан 70 та кўп. Йил охиригача ҳаммаси бўлиб 1 миллион квадрат метр йўл ремонт қилиниши мўлжалланмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейигача тўққизта янги кўча қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Фрунзе районида қурилаётган «Грузовая», Октябрь районидаги Ҳўжаев номли ва Киров районидаги «Парковая» кўчалари шулар жумласидан...

Кўринниб турибдики, шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасида кўча ва йўллар ремонти бўйича қилинадиган ишлар режаси аниқ. Бу хайрли ишга қисман киришилган. Шундай бўлиши керак ҳам. Шу хусусда редакцияга хат йўллаган ҳамшаҳримиз, ўқитувчи О. Сайдаминовнинг фикрида ҳам жон бор.

—Асли ҳамма нарса кўчадан бошланади, — деб ёзибди у. — Кўчалар қалбимизга тутташиб кетган. Шундай экан унинг қиёфаси, истиқболи бизни қизиқтирмай иложи йўқ.

Ҳақ гап. Қадрдон шаҳримиз кўчалари яшнаб турса, бу аввало бизнинг ўзимиз учун фахр. Собир Раҳимов, Сағбон, Қорасарой кўчаларида яшовчи аҳолн номидан келган хатларда ана шундай асосий мақсад бор. Бу кўчаларнинг айни шу кунги аҳволи ҳаммани ташвишлантирмоқ д а. Шу ўринда айтиш керакки, бу кўчаларни тўла ремонт қилмоқ лозим. Бу ерда жорий ремонт билан иш битмайди.

—Чорсудан Назарбеккача давом этган Маннон Уйғур номли кўчага асфальт ётқизилганда жуда суюнгандик, —деб хатида давом этади оқшомхон. Афсуски, бу хурсандчилигимизнинг умри қисқа бўлди. Айниқса, Шофайзиқулоқ маҳалласида кўча бели чиққан одамга ўхшаб қийшайиб қолди.

Бу кўчада ўндан ортиқ турли маршрут бўйича автобус қатнайди. Йўловчилар тугул ҳатто ҳайдовчилар ҳам бу кўчадан юришга ҳайиқишади...

Замонавий шаҳар кўча ва хиёбонлари билан фусункор. Акмал Икромов районидаги Маҳорат ва Тўқимачи кўчаларида яшовчи Манамовлар оиласи, пенсионер Л. Ҳамидов, Сергели районидаги Чоштепа кўчасидан У. Норхўжаева, Ишчилар шаҳарчасидаги 2-тролейбус бекати майдончасининг бугунги қиёфаси ҳақида ташвишланиб редакцияга хат йўллаган пенсионер Н. Зуфаров, «Марказ-26» микрорайонидаги 12, 14-уйлар оралиғидаги ҳандаққа айланган йўлдан нолиб хат ёзган оқшомхон А. Маматовлар буни жуда яхши билишади.

Оқшомхонларнинг ташвишланиб бизга хат йўллашида жон бор. Ўлкамизда баҳор бошланди. Бу фаслда ёғингарчилик кўп бўлади. Ёғин- сочин пайти асфальт ётқизилса у тез кўчиб кетади. Шунинг учун шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидаги ўртоқлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриб, ҳаво очиқ кунлардан унумли фойдаланишлари зарур!

М. ЮСУПОВ.

• ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Газетхон А. Мисюк редакцияга хат йўллаб, 29-маршрутда қатновчи «14—70 ТНП» автомашинаси ҳайдовчиси Маҳмудов пассажирлар ташиш қоидасини бузганн ва қўполлик қилганини хабар қилган эди.

Хат пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, хат 3-автопарк ҳайдовчилари ўртасида муҳокама этилган. Фактлар тасдиқланган. Транспорт интизомини бузганлик учун ҳайдовчи Маҳмудов бир ой муддат билан кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган. Пассажирларга хизмат кўрсатилишини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

* * *

Биринчи Май кўчасидаги 14-уйда яшовчилардан бир группаси совуқ сув таъминоти ёмонлиги ҳақида шикоят қилган эди. Шикоят «Водоканал» трестига юборилган эди. Редакцияга хабар қилишларича, 10-ЖЭУ «Водоканал» трестидан Биринчи Май кўчасидаги 14-уйда янги водопровод линиясн қурилиши учун техник ҳужжатлар. ни олди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
5 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА •



Қайнона ҳам она

Кўнгил — нозик гул. Баъзилар қайнона деганда қаттиққўл, келинига зўғум қиладиган аёвнинг онасини кўз ўнгига келтиради, шундай тушунча нозик кўнгил оғрийди, йўқ бундай эмас. Шундоқ ҳам қайноналар боркки, келинига онакам она-ю, парвона. Мана, турмушдан бир лавҳа.

Адолат Мирбобоева жамоатчи, ташкилотчи бўлиб неча йиллардан бери катта идорада бош ҳисобчи. Машина келиб ишга олиб кетади, ўша машинада қайтиб келади. Адолат эрталаб кўпинча нонушта вақтида ишга кетади. Унинг ишдан қайтиш вақти эса аниқ эмас: коронғу тушганда ёки кечаси келадиган, бунинг устига бир неча кунга командировкага кетиб қоладиган пайтлари ҳам бўлади. Шунақа вақтда уйдагиларга ёки эри Муслим Мирбобоевга телефон орқали маълум қилиб қўяди. Адолат Мирбобоева ҳалол ва фидокорона хизматлари учун «Ҳурмат белгиси» орденн ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Муслим Мирбобоев олдий хизматчи, ҳушмуомала ва камтарин. Бинобарин, ҳурматга сазовор инсон! Уларнинг икки фарзанди бор. Тўнғич ўғли университетининг биринчи курсида, иккинчи ўғли саккизинчи синфда ўқийди.

Эрта наҳорда ҳовли, йўлак ва кўчанинг эшиги супурилган, сув сепилган — чиннидек тоза. Дастурхон ёзилиб,ноз-неъматлар дид билан жой-жойига қўйилган. Дастурхонни бунақа кўркам безатиш кишидан катта санъат талаб қилади. Ким, қай маҳал ўринидан турмасин, сочиғу совун, тиш чўткаларию пасталарини қидириб юрмайди. Ҳудди шунингдек, кийим-кечаклар ювилган, дазмолланган, стул суянчигига илиб қўйилган. Ботинками, шиппакми тозаланиб, отпаткилари ҳолда даҳлизда жой олган. Ҳамма нарсанинг саранжом-саришта.

Муслим акасининг онаси — ота ёшли Зоҳро холанинг самимий хизматидан. Бу оилада бозор-ўчар ҳам фақат шу онахоннинг қўлидан келади. Бахтига, ҳайтовур, бозор ва магазин шундоққина ёнгинасида.

Зоҳро холанинг қўни-қўшнилар билан иши йўқ. Аммо кўшни аёллар тегажаклик қилишади ёки эндан «тош» отишади:

— Қариганингизда сочингиз супурги, қўлингиз косов бўлибди. Вой тавба, нега ўғлингиз ндаймайди! Ишқилиб, келинингизнинг яхшигина маош бўлиб қолибсиз, қўйиб берсангиз у ҳали пулларни бошингизга солмайди.

Зоҳро холанинг опалари Фотима ва Зуҳра бу гапларга ҳам сингилларига ачинишади-ю, лекин бировга гап айтишга ботинишмайди, чунки улар Зоҳро хола келини ҳақида «пичинг» гап қилишадиган бўлса, дарҳол ҳаммасининг «оғзига тиқади. «Муросаю мадора шунақа бўлади-да», келинимм ўйнаб юрганн йўқ-ку», «Данагидан мағиз ширин, шунинг учун набираларимдан хизматимни аямайман, улар ҳам қараб турмайдилар, оғирмини енгил қилишади» каби сўзлар билан «тутундан олов чиқишиғга асло йўл қўймайди.

Келини Адолатхон ҳам қайнонасини ўз онасидек кўради, кувончини ҳам, ташвишини ҳам, дардини ҳам, орзу-ҳавасини ҳам қайнонасига оқизмай-томизмай айтаверади. Адолатхон ишхонасида чарчаб ёки бирор воқеадан асабийлашиб келса, Зоҳро хола худди ўз онасидек тасалли беради:

— Ҳаммасини ўзингизга олаверманг, гиргиттон, юракни асранг, асабни авайланг... Ҳаёт шунақа: одам гоҳ ҳуд, гоҳ бехуд бўлади. Кўраверинг, ҳаммаси ўтиб кетади, орқага ташланг, болам.

Орадан икки-уч кун ўтади-ю, Адолатхон ундан севинч билан гулдек очилиб кириб келади. Зоҳро хола уни офтоб чеҳра билан қарши олади:

— Ана, гиргиттон, айтмадимми, ҳаммаси яхши бўлади деб...

Зоҳро хола келинига, набираларига, ўғлига ҳар кун кечқурун иссиқ чой, лаззатли таом, шириншакар шарбатлар тайёрлайди, чиройли қилиб дастурхон тузаб қўяди. Ҳаммаларн давра қуриб, ширинсуханлик билан тамадди қилишади. Зоҳро холанинг қалби олам-олам шодликкка, севинчга тўлиб кетади.

Шанба ва дам олиш кунлари Адолатхон қайнонасининг қўлини «илиқ сув»га ҳам урдирмайди: хаммаёқни ўзи тозалайди, кир ювади, овқат тайёрлайди, турмуш ўртоғи ва болаларининг бир ҳафталик кийимларини озода, саранжом-саришта қилади. Қайнонасининг ўрин-тўшакларига, кийимларига, ҳамма керакли нарсаларга қараб қўяди.

Шу кунингир эртасига Зоҳро хола «касал» бўлиб қолади: «Қимирламай ётдимми, дарров назам қочади. Адолатхон мени дам олдириб, бетоб қилиб қўйдингиз», дейди. Келини қайнонасини суюб пешонасидан ўпади, Зоҳро хола ҳам саксовулдек қотма қўлларн билан унинг белидан қучади.

Ширин оналарнинг икки ойдин аёли — нуроний қайнона ва фариштa келин тотувлигн ҳаммага кувонч, бахт, табассум ва хонадонга файз бағишлайди.

Яхши ниятли, соф қалбли, шакар тилли одамлар ҳаёти, онласи шундай бўладн, улар қалбида доим гул очилиб турадн.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати, Н. Пирогов мукофотн лауреати.

● **Зикрилла Эгамбердиев** — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, «Тошкент оқшомн»нинг актив муаллифларидан. У докторлик билан бирга, мухбирлик қаламини ҳам тебратади. Унинг одоб-ахлоқ ва медицинага доир йигирмадан ортиқ китоби чоп этилган. Ўз умрининг 70-баҳорини қаршилаган шифокор Собир Раҳимов районидаги 33-поликлиникада рентгенолог бўлиб хизмат қилмоқда.

• ПЕДАГОГ ЎЙЛАРИ

ХОЛИС БАҲОНИ ЎҚУВЧИ ҚЎЯДИ

Кейинги пайтларда мактаб ўқитувчиси обрўсини кўтариш ҳақида анчагина мулоҳазалар билдириляпти. Мен ўқитувчининг бевосита ўз ўқувчилари олдидаги обрўси ҳақида ўз фикрларимни баён қилмоқчиман.

Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги кундалик муносабатни икки томонлама дейиш мумкин. Бир томон иккинчи томонга фан асосларини ўргатиб, унинг ўзлаштиришига, хулқига баҳо қўяди. Айни пайтда иккинчи томон биринчи томоннинг дарс ўтишига, хатти-ҳаракатларига, нутқ маданиятига ўзича холис баҳо беради.

Буни содда қилиб тушунтирганда ўқувчилар ҳар бир ўқитувчига унинг дарс ўтишига қараб, ўқувчиларга муносабатига қараб «баҳо» қўйиб ўтирадилар. Ким билимдон, ким амал-тақал қилиб болалар бераётибди— буни болалар катталарга нисбатан кўпроқ сезадилар ва ўз хулосаларини чиқарадилар. Чунки ҳозирги ўқувчиларнинг фикр доираси, тушунчаси, онги ва зеҳни кўпчилик ўйлаганга нисбатан анча кенг ва теран.

Айни пайтда ўқувчиларнинг ҳис этиш қобилияти, психологияси, фанни ўзлаштириши турлича бўлиб, буларни ўқитувчи ҳисобга олса яхши. Акс ҳолда барчага «баробар» кўз билан қараш ёки «Бу бола барибир дарс тайёрламайди» деб ҳамиша бир хил ҳукм чиқариш болага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳаётий мисол келтирамиз. Ўқувчи яхши дарс тайёрлаб келган дейлик. Ўқитувчи уни сезмаслиги мумкин берган жавобига «3» қўйилса, ўқувчининг энсаси қотиб бир ғижиниб олади. Аксинча такасалтангроқ, кўчада ўйнни, уйида бекорчилиги кўп болага «3» қўйилса ўқитувчи билан «олишиб» кўради. Юқорироқ баҳо қўйилишини сўрайди, сўнгра барибир розн бўлиб кулимсираб қўя қолади. Яна бир бошқа ўқувчи илғор, интилувчан, масъулиятни ҳис этувчи бўлади. Ўқитувчи уни «зар» қоғозга ўраб асраб-авайлаб юради. Лекин бир куни гуноҳ иш қилгани ёки янглишгани, тайёрланиб келмагани учун шартта «2» ёки «3» баҳо қўяди. Бу ўқувчига қаттиқ таъсир қилади. Ваҳоланки, ўқитувчи ўқувчининг гуноҳи бўлса паст баҳони тарбиявий дафтарига ёки кундаликка огоҳлантириб қўйиши мумкин эди. Ўйламай-нетмай синф журналини «кир» қилиш, ноҳақ баҳо қўйиш илғор ўқувчини қаттиқ ранжитишдан бошқа нарса эмас.

Булардан кўринадики, ҳар қандай ўқувчи ўзнгэ бўлган муносабатни, шунингдек ўқитувчининг оқилу одиллигини ўзича баҳолайди. Ўқитувчи олтиндан қиммат вақтини аямай сабот билан билим берса, ўз тарбияланувчиларига самимий муносабатда бўлса, ҳар куни уларнинг кўз олдида фаннинг янги бир дунёсини очса, ўшанда ўқувчининг билимга иштиёқи кучаяди, ҳатто ўқитувчидан дурустроқ билишга интилади. Ҳа, бунга тааж-жубланмаслик керак.

Ўқувчининг билимга, ахлоқига ёмон баҳо қўйишнинг яна бир турн ҳақоратлашдир. «Пўстак», «Мияси йўқ», «Одам бўлмайсан», «Турқинг қурсин» кабн ибораларни ишлатишдан олдин бир ўйлаб кўриш керак. Ахир шу сўзларни айтаётган кишн ўқувчининг юрагида бир умр қора из қолдиради. Бунақа «ўткир муаллим»нинг ёш ниҳолни пайҳон этган кишидан фарқи йўқ.

Ҳозирги илғор ўқитувчилар фанни сингдира билиш, ўқувчи онгига, қалбига йўл топа билиш энг масъулиятли вазифа эканини тушунадилар. Улар ўқувчиларнинг ҳурматига, эъзозига сазовор бўлмоқдалар. Ўз фанини қойил қилиб, моҳирона дарс ўтадиган тарбиячи талабчанлик, ҳатто қаттиққўллик қилганида ҳам ўқувчи уни ҳурмат қилади. Ҳудди ана шундай ўқитувчиларнинг синфларида ўзлаштириш ҳам «аъло» ва «яхши» бўлади. Бундай ўқитувчи болалар билан отаболадек, кези келганда дўстдек муносабатда бўлади. Болани гуноҳига иқрор қилиб туриб жазолайди. Бола эса айни пайтда ўз айбини бўйнидан соқит қилмайди. Ўқитувчисини ҳурмат қилади, ундан одилликни ўрганади.

Одил ва билимдон ўқитувчи деган шарафли номни олиш осон эмас. Бу ўқувчининг ўз ўқитувчисига берган ҳаққоний баҳосидир. Давр ҳар бир ўқитувчи ана шундай бўлишини тақозо этяпти.

Анвар АҲМЕДОВ,
Октябрь районидаги С. Айний номли 84-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

• МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕМОРИАЛ ЁДГОРЛИК

Тошкентнинг мемориал ёдгорликлари яна бир монументал санъат асари билан бойиди. Шаҳар марказида Тошкентнинг собиқ ҳарбий истеҳкоми жойлашган маъмурий бино ёнида Туркистон ўлкасидаги Октябрь инқилоби воқеаларини акс эттирувчи мемориал ҳайкалтарошлик композицияси ўрнатилди. Рассом Владимир Ким томонидан яратилган бу ҳайкалтарошлик композицияси ёнига қуйидаги сўзлар ёзилган: «1917 йилнинг 31 октябридан 1 ноябрига ўтар кечаси қўзғолончиларнинг қуролланган отрядлари контрреволюцнячи кучлар бекинган ҳарбий истеҳкомни қуршаб олдилар. 1 ноябрь тонготарида истеҳком узра Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигидан дарак берувчи революциянинг ғолиб байроғи кўтарилди».

Бу мемориал ёдгорлик Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатида тайёрланди.

* * *

СУРАТДА: Тошкентда Октябрь инқилоби ғалабаси шарафига ўрнатилган мемориал ёдгорлик.



СУНГГИ КОЛОНКА

● КУБА КИНОСИ 25 ЁШДА

Шу йил март ойида Куба киноси ўзининг чорак асрлик юбилейнни нишонлади. Ана шу вақт ичида Куба кинематографчилари 123 та тўла метражли, 12 та қисқа метражли, 816 та ҳужжатли, 192 та мультипликацион ва 1200 та хроникал фильмларни яратдилар. Ана шу кино асарлари турли халқаро кинофестивалларда 300 дан знёд мукофот билан тақдирландн. Ҳамаски бўлиб Куба кинотекасида олти мингдан знёд фильмлар сақланмоқда.

● ҚЎҲНА БИНО ИШҚИБОЗЛАРИ

Венгрия пойтахтида «Шаҳар гўзаллиги учун» жамияти ташкил этилди. Тарихий архитектура ёдгорликларини сақлаш ва унн қайта тиклашга ёрдамлашиш, ободонлаштиришни ишлари билан шуғулланиш ана шу жамият бажарадиган вазифалардир. Ҳозирги вақтда шаҳарнинг эски қисмида катта ҳажмда реконструкция ишлари кетяпти. Шу боисдан янги жамият амалга оширадиган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Архитектура ёдгорликларини ҳисобга олиш ва унн муҳофаза этиш Венгрияда чиндан ҳам авж олдириб юборилган оммавий ҳаракатдир. Қўҳна ёдгорлик ишқибозларининг жамиятлари республиканинг кўпгина шаҳарларида ташкил этилган.

● КИНОДАГИ РОЛИНИ КЎРИШ... УЗИГА ТАҚИҚЛАНГАН

Голливуд киноюлдузи Жаннет Лейга қизининг тарбияси тўғрисида жуда кўп бош қотиришга тўғри келяпти. Жумладан, Жемми ўз онаси роль ўйнаган фильмларни кўришдан тамоман маҳрум этилган. Чунки бу фильмларда ўлдириш, хунрезлик ва зўрлаш сингари кўринишлар жуда ҳам кўп. Қизчанинг яна бошқа фильмларни ҳам томоша қилиш тақиқлаб қўйилган. Жумладан, «Дахшатлар поезди» фильми фикримизнинг далилидир. Ана шу фильмдаги бош ролни ким ижро этганидан хабарингиз борми! Уни жажжи Жемминнинг ўзи ижро этган...

● БИР ЙИЛДА ҚАНЧА СОВУН ИШЛАТАСИЗ?

Франция косметикасининг довруғи жаҳонга таралган. Лекин шуниси қизиққи, французларнинг ўзларн косметикадан жуда маромда фойдаланишар экан. Франциядаги косметик товарлар ишлаб чиқарадиган 70 та йирик фирмаларнинг буюртмаси бўйича тайёрланган доклад ана шундан яққол гувоҳлик беради.

Докладда келтирнб ўтилган маълумотларга қараганда, аҳоли жон бошига совун ишлатиш Францияда йилига бор-йўғи 640 граммга яқинни (деярли икки ярим бўлакни) ташкил этар экан. Италияда эса бу рақам 800 граммга тенг экан.

Французлар тиш пасталарини ишлатишда ҳам анча тежамкор эканлар. Киши бошига бир йилда бор-йўғи 250 граммга яқин тиш пастасн ишлатиладн. ГФРда у аҳолн жон бошига 350 граммни, АҚШда эса ярим килограммини ташкил этар экан. Бирок, гигнена ва косметика воситаларн нисбатан маромида ишлатилганига қарамай, француз косметик фирмаларининг ўтган йили шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришн 14,5 процентга ошган.

● ОИЛАДАГИ ХИЁНАТИ УЧУН

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти— Абу-Дабн шаҳрида яшовчи келин-куёв «эр-хотинлик садоқатн»ни бузганлиги учун ўлим жазосига ҳукм этилдн. Қадимги одат бўйнча, агар бу ҳукмни диний ва олий табақа маъмурлари тасдиқласа, улар тошбўрон қилиннади, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

5 АПРЕЛЬ, 1984 й.

Баракалло, ўғлим!

(ҚАТРА)

Уйда, бола-чақалар даврасида бўладиган ширин суҳбатнинг бошқача гашти бор-да. Мана, тўкин дастурхон атрофида ўтириб, ҳаммамиз фасллар, ойлар ҳақида гурунглашардик. Оппоқ соқоли кўксини қоплаган Ҳожимурод бобо набираларидан сўради:

— Қани айтингларчи, ким қайси ойни яхши кўради?

— Май ойини яхши кўраман, — деди олтинчи синфда ўқийдиган Дилноза.

— Нега?— кўкрагига тушиб турган оппоқ соқолини селкиллатиб сўради бобоси.

— Май—баҳор, шодлик байрами...

— Баҳромжон, сенчи?

— Менми, бобо, — деб бир зум ўйланиб қолди Баҳромжон, — мен март ойини яхши кўраман... Опам ва менинг байрамим-да!

— Сен ўғил боласан-ку! Нега энди сенинг байраминг бўларкан?


— Э-э, бобожон, билмайсизми, мен март ойида туғилганман-ку! Шунинг учун бувимлар, ойимлар, опамлар билан бирга март байрамини кутиб, роса совғалар олиб, ўйнаб-куламан, —бийрон жавоб берди Баҳром.

— Баракалло, ўғлим! Март ойи чиндан ҳам ҳақиқий сенинг байраминг экан. Илойим юртимизда тинчлик бўлиб, шундай шодланиб юраверинглар, — севинч билан жавоб берди бобоси.

— Раҳмат, бобожон! Сиз ҳам доим соғ бўлинг, ҳеч касал бўлманг. Наврўз байрамини яхши кўраман дегандингиз, ҳар наврўзда соғ бўлинг, хўпми?

Баҳромжон бобосининг момиқ пахтадек соқолидан силаб ўпдида, ўйнагани чопиб кўчага чиқиб кетди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.



«Ширин болалик».

Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

Уй-рўзғор ташвишида

Доғларни кетказиш усули

Буюмга теккан доғни кетказиш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Баъзи бир кирли доғ босган буюмлар химчисткага берилгани маъқул. Лекин баъзи бир доғларни уй шароитида ҳам кетказиш мумкин. Эски доғни кетказиш анча қийинроқ бўлади.

Доғни кетказишда қўлланиладиган воситаларни газламага ва унинг рангига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш лозим. Спирт ва кислоталар баъзи бир бўёқларни эритиб юборади, шунинг учун уларни бўялган газламаларга ишлатишда эҳтиёт бўлиш лозим. Агар буюм ацетат газламадан тайёрланган бўлса, сирка кислота ва ацетон ишлатиб бўлмайди, чунки улар бундай газламали буюмни эритиб юборади. Хлорли оҳак ҳам пахта ипи газламаларига ёмон таъсир этади.

Доғларни кетказишда яхшиси саноатда ишлаб чиқариладиган доғ кетказувчи моддалардан фойдаланилгани маъқул.

Чой доғи. Ип, зиғир толали газламалардаги чой доғи оқартирувчи моддаларда ювиб, «Белка», «Универсальний» препаратлари билан кетказилади. Водород пероксид билан барча газламаларни оқартириш мумкин. Оқартирувчи моддалар порошок, таблетка ва суюқ ҳолда тайёрланган.

Дазмол доғи. Оқ ип ёки зиғир толасидан тўқилган газламадаги дазмол доғи водород пероксид эритмаси билан (бир чой қошиғи бир стакан сувда), бўялган жун ва ипак газламалардаги доғни эса, денатурланган спирт билан артиб кетказиш мўмкин.

Тухум доғи. Рангли материалдаги тухум доғини иссиқ глицирин 15—20 минут сурилиб, сўнг латта билан артилади. Оқ рангдаги матодан тухум доғини новшадил спиртига ботириб, сўнг ювиш билан тозаланилади. Бунда новшадил спиртидан бир қошиқ ва 5 қошиқ сув ҳисобида эритма тайёрлаш лозим.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

• *Ҳамшаҳарларимиз хизматида*

ЯНГИ ҚАБУЛ ПУНКТИ

«Техсложбитприб о р» бирлашмаси Весна кўчаси, 223-уйда 48-янги қабул пункти очди. Бу ерда барча турдаги электр жиҳозлари, ҳатто, болаларнинг электр ўйинчоқлари ҳам ремонт қилиб берилади. Пункт душанба кунидан ташқари ҳар кун эрталаб соат 9 дан 18 гача аҳолига хизмат кўрсатади.


Бугунги кунда бирлашма коллектнви ҳамшаҳарларимизга 20 дан ортиқ хизмат усуллари билан улар ҳожатини чиқармоқда.

Ҳунармандчилик санъати саҳифалари

Москвада «СССР халқ бадний ҳунармандчилиги» альбоми нашр этилди. «Советский художник» нашриёти томонидан чоп этилган ана шу монументал нашрда барча иттифоқдош республикалар, шу жумладан, Москвада Бутуниттифоқ кўргазмасида намойиш этилган республикамиз амалий санъати намуналари ҳам репродукция ҳолида жамланган.

Тошкент, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Ургут, Ғурумсарой, Қўқон, Регистон, Бойсун, Андижон, Бухоро каби халқ бадний ҳунармандчилиги марказлари услублари ни ўзида мужассамлантирган кулолчилик буюмлари, кашталар, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа нодир санъат намуналари ҳақида альбомда батафсил ҳикоя қилинади.

Ажойиб рангли репродукциялар билан безатилган альбом СССР халқ бадний ҳунармандчилиги альбомининг муқоваси.



Интернационалга бағишланади

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўзбек ва рус тилларида миниатюра ҳолида нашр этилган совғабоп китобча халқаро интернационалга бағишланган. У Ўзбекистон китобсеварлар жамияти республика правлениесининг миниатюра китоблар секцияси ташаббуси билан нашр этилди.

Китобчада 1871 йили Эжен Потье томонидан ёзилган ва 17 йилдан кейин ишчи композитор Пьер Дегейтер томонидан музика басталанган халқаро интернациональ гимни тексти ўрин олган.

Китобчанинг иккинчи қисмида эса СССР Гимнини ўқийсиз. С. Михалков, Г. Эль-Регистан ва композитор А. В. Александровлар яратган СССР Гимни ёнида Темур Фаттоҳ, Туроб Тўла ва композитор Мутал Бурхоновлар томонидан яратилган Ўзбекистон ССР Гимни ҳам жой олган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотн лауреати, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг бош рассоми Анатолий Бобров китобчага ранг-баранг безаклар ишлаган.

Плакатлар конкурси

Плакат санъати кўриги бўйича республика конкурси якунланди. «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган ўн тўққиз плакат конкурсда юксак мукофотлар билан тақдирланди. 8 плакатга биринчи даражали, уч плакатга иккинчи даражали, яна саккиз плакатга эса учинчи даражали дипломлар берилди. Бу плакат асарларининг муаллифлари Ўзбекистон ССР халқ рассоми Виктор Евенко, рассомлар Анвар Балканов, Михаил Калинин, Леонид Маркин, Павел Овчинниковлардир.

Республика конкурси лауреатлари бўлган бу рассомларнинг плакат асарлари механикаш инженерларнинг бунёдкорлик ишлари манзараларини, тинчлик учун курашни акс эттиради.

О. АПУХТИН.

Таниш сиймолар

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика тасвирий санъати залларида ўзбек совет хотин-қизларн ҳаётига бағишланган ўнлаб экспонатлар намойиш этилмоқда.

ССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг «Она ўйлари», «Қўшиқ», Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг «Зулфия», «Ҳалима Носирова Ширин ролида», республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг «Чойга», Рўзи Чориевнинг «Келин», «Сурхондарё оҳангларн», Валентин Фадеевнинг «Қоровул кампир» каби асарларида аёлларимизнинг ёркин қиёфаси ҳаётий акс этган.

М. АҲМЕДОВ.

Ижтимоий айрилма

«Бирики—мингга...»

Тунов куни шаҳар дорихоналаридан бирига кирдим:

— Цитрамон дорингиз борми, қизим?—сўрадим ёш сотувчидан.

—Йўқ, — деди қиз ва бошқа харидорлар билан машғул бўлаверди.

Дорихонага кириб чиққан дорилардан бир-бир экан-ку, нега «йўқ» дединглар, қизим?

— Бор бўлса, яхши, ола қолинг.

Қизнинг бу қадар лоқайд жавоби мени яна ранжитди.

— Қизим, жавобингиз қизиқ. Нега бор дорини, йўқ, дейсиз? Яхшиси ўзим кўриб қолдим. Бўлмаса, бир оғиз «йўқ» сўзингизга ишониб яна қанча дорихоналарни кезиб чиқишимга тўғри келарди. Кексаларга ҳурмат шунақа бўладими!

Шу вақт ичкаридан бош сотувчи аёл чиқди ва «нима гап!» деб қиздан сўради.

— Манавн кишн мендан «цитрамон» сўради. Мен билмай, «йўқ» дедим. Шунга боядан бери вайсаб ётибди...

Бу жавобдан сўнг бошқа гапга ўрин қолмаган эди... Бош сотувчи аёл «Билмасангиз мендан сўрашингиз керак эди», дедн қизга ва мендан узр сўради. Мен дорини олгач, дорихона мудирн олдига кирдим. У арзимнн тинглаб, бирталикда сотув хонасига чиқди ва бош сотувчига дедн:

— Бу сотувчи қизингизнинг кўрс муомаласи ҳақида бирнчи шикоят эшитишим эмас. Сизга айтдим-ку, «Унн сотувга қўйманг,— ичкаридаги юмушларда фойдаланнинг деб...

Бу кичик лавҳадан муддаомиз бировларга жазо-сазо тилаш эмас, аксинча, айрим лоқайд ёшларимизни тартибга, одобга, ҳушмуомалага чақиришдир.

Ҳабибулло ҚОДИРИЙ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85-ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-оператори, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, саноат ускуналари ремонти ва эксплуатацияси бўйича электрик, электр газ-пайвандчи, кабель ишлаб чиқариши бўйича электромонтёр, дурадгор, (бадиий мебель ишлаб чиқариш бўйича), саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганлиқлари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Ўрта маълумот билан кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электрмонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, фрезерчи (программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), **кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича, ўқиш муддати қисқартирилган** (ўрта маълумотлилар 7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар 10,5 ой ўқийдилар).

Уларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар корхоналарда мажбурий хизматни ўтамасдан ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан юборилади-лар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. Билим юртида техника ижодкорлиги тўгараги, «Смена» вокаль-чолғу ансамбли ва «Ровесник» диско клуб ишлайди. Ёзда дам олиш базаси мавжуд.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома. 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт).

Ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольтний массиви, 3-сектор («М. Горький станцияси»дан 4-автобусда «7-поликлиника» бекатигача, 6, 13, 22-трамвайлар ва 18-троллейбусда «Маиший хизмат кўрсатиш уйи» бекатигача).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ДУРАДГОР, БЎЁҚЧИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ҲАМДА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР 75 СЎМ (автослесарь, дурадгор, бўёқчи — 30 сўм) СТИПЕНДИЯ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА МАОШНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўзга шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар.

Улар махсус кийим-бош ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиҳонларида имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамблари, турли спорт секциялари, рассомлик, фото ва техника тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШТИРИЛГАНДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлик гувоҳномаси), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (гувоҳнома), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунларидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 69-уй (1, 1э, 17э, 24э, 102, 63 автобусларнинг «М. Горький метро станцияси» бекати; 17, 18 троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

СОТУВЧИЛИК — ФАХРЛИ КАСБ

Марказ — 14, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, 24-уйда жойлашган
«ТЕХНИКА—РЎЗҒОРДА» МАГАЗИНИНИНГ
5-МАКТАБ-МАГАЗИНИ
сотувчилик касбини эгаллашни хоҳлаганларни

ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

Мактаб-магазинга ўрта маълумотли тошкентлик қизлар ва йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.



Мактаб-магазинни битирганларга кичик сотувчи малакаси берилади. Улар «Ташхозторг»нинг магазинларида иш билан таъминланадилар.

Мактаб-магазинни тугатиб бир йил ишлаганидан сўнг Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттириш мумкин.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 5х6 см. ҳажмдаги 2 дона фотосурат, турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ёзилган ариза.

Паспорт (йигитлар ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишевское шоссеси, 24-уй (42, 43, 65, 116-автобуслар; 1, 2, 4, 7, 21-троллейбусларнинг «Аптека» бекати).

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-53).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА
VI Жаҳон фестивалининг лауреати
АНВАР РУСТАМОВ

Солистлар: Баҳтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари, бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ,
ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Феруза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Феруза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЕЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Шоира ЭРМАТОВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.

ПАРФЮМЕРИЯ ВА КОСМЕТИКА—

АЁЛЛАР ГЎЗАЛЛИГИНИНГ ГАРОВИДИР.
УПАНИНГ ХУШБЎЙ ИСИ —



ичига кичкина ойнача қўйилган, бежирим идишли упадонга солинган упа майда янчилган бўлиб, у ўзининг хушбўй иси билан сизнинг жамолингизни очиб юборади, юз терисининг рангини яхшилайди, терини чанг, шамол, қуёш нуридан ҳимоя қилади.

КИПРИК ВА ҚОВОҚ БЎЁҒИ

кўзларни жозибали қилади, уларнинг жилосини бўрттириб кўрсатади, киприкни қуюқлаштиради.

ЛАБ БЎЁҒИ

юзни янада самарали қилади, унинг ўзига хос, хусусиятини бўрттириб кўрсатади. Энг муҳими ҳар қандай аёл киши ўзининг рангига мос келадиган лаб бўёғини танламоғи керак.

Лаб бўёғи фақат лабни бўялгина қолмай, балки уни юмшатади, қуриб қолишидан сақлайди.

БИР ТОМЧИ АТИР

Атирнинг иси майин уфуриб туриши учун атиги бир томчи атирни ишлатмоқ ўринлидир. Атирдан оқилона фойдаланиш — меъёр ва дидни тақозо қиладиган ўзига хос санъатдир.

«Ташгалантерейторг» магазинларидан атирлар, одеколонлар, сочилувчан ва қуюқлашган упалар, турли хил тусдаги лаб бўёғи, киприк, қовоқ учун суртиладиган тушлар ва тенлар сотилмоқда.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).

СЕҲРГАР ПЕЧЬ

СЕҲРГАР ПЕЧЬ ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?
Агарда, «Электроника—С» микротўлқинли маиший аппарат бўлса, албатта сеҳргардек бўлади.



УНИНГ АФЗАЛЛИГИ:

таомни тез ва лаззатли тайёрлайди;
юқори лаззатли сифатига кафолот беради;
витаминларни тўла сақлаб қолади;
музлаб қолган нозу-неъматларни муздан тушириб, бир неча минут давомида ҳушхўр таомга айлантиради;
печь камерасидаги махсус конструкция туфайли нозу-неъматлар усти ва ичи бир маромда пишиб етилади;
нозу-неъмат тайёрланаётган идиши ва иччи камерасининг девори қизиб кетмайди. Шунинг учун ҳам кўпгина таомларни тарелканинг ўзида тайёрлаш мумкин.

Таомнинг куйиб кетиши мустасноди р. Демак, таомни ёғсиз, сувсиз фақат ўзининг шарбати билан ҳам тайёрлаш мумкин экан. Масалан, ёғсиз жаркоп тайёрлаш ёки сувсиз сосискани «қайнатиш» мумкин.

СИЗ ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИНИ САЛОНИДА

«ЭЛЕКТРОНИКА—С» ПЕЧИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача.
Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.
Якшанба дам олиш куни.
Магазинга 3, 4, 13, 27, 28-трамвайлар билан «Куйбишев райисполкоми» бекатигача; 5, 17-троллейбусларда «Советская кўчаси» бекатигача борилади).

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН САЛОНИ (телефон 33-78-34).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ... ТЕАТРИДА — 5/IV ... вая дама, 6/IV да Опера

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ... ТЕАТРИДА — 5/IV ... рицарь, 6/IV да Рўз

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА — Совет цирки ... ри ва татар «Сабр ... аттракционининг ... (19.30).

КИНО

5 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ХХ АСР ҚАҲРОНЛАРИ» — **Ватан** (жуфт сеанс).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» — **Санъат саройи** (катта залда, соат 17, 19, 21), **Чайка** (18, 20), **Дружба** (тоқ соатларда, фон 66-15-75), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-... С. Раҳимов номли ... ларда, телефон 48-46-7...

«САРИҚ ГУЛ» — ... (тоқ соатларда, ... 47-70-69).

«ОРТИНГГА БОҚ» — **Ленинкент Советининг 50 ... номли** (жуфт соатларда, фон 78-47-25), **Ҳамза** ... (жуфт соатларда, ... 91-10-51).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, ... **Москва** (тоқ соатларда, фон 33-05-01).

«ДАРБАДАРЛИК» ... ГИ» — **Восток** (жуфт ... да, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59).

6 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ХХ АСР ҚАҲРОНЛАРИ» — **Тинчлик** (жуфт ... ларда, телефон 58-...), **Янгиобод** (тоқ соатларда, фон 96-36-21).

«ТАБИБ» — **Чайка** (13.30, 16, 18.30, 21.00), фон 77-06-20).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» — **Санъат саройи** (катта залда, соат 11, 13, 15, 17, 20.30), **Тошкент Совети ... 50 йиллиги номли** (жуфт ... ларда, телефон 78-...), **Мир** (тоқ соатларда, ... 91-65-84).

«САРИҚ ГУЛ» — ... (тоқ соатларда, ... 47-70-69).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Москва** (тоқ соатларда, ... фон 33-05-01).

«ДАРБАДАРЛИК» ... ГИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59).

«РЕВАНШ», «ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИНОТОЙ» — **Дружба** (11, 14, 20.00; 12, 15, 18, 21.00 ... фон 66-15-75).

ГРАЖДАНЛАР ...
ДИҚҚАТИГА!

ҲАВО ЙЎЛЛАРИ ...
ПОЧТА ТАШИШ ...
ТОШКЕНТ БЎЛИМ ...
ТОШКЕНТ ГАЗЕТА ...
ЖУРНАЛ ...
ЭКСПЕДИЦИЯСИГА

СМЕНАЛИ ИШГА ...
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

матбуот, хат-хабар ... ловчилари, матбуот ... торлари, инженерлар ... триклар, механиклар, ... тромеханиклар, бўёқчи-... электр-газ пайвандчи-... лар, слесарлар: ... лар, соэловчилар; **токарь-электриклар.**

Ишлаш тартиби — ... дан 21.00 гача ва 21.00 ... 9.00 гача.

Меҳнат ҳақи — **жуда ... прогрессивлик.**

Қуйидаги адресга ... жаат этилсин: Тошкент ... шаҳри, Правда Востока ... часи, 12-уй, газета ... си. Телефонлар: 33-70-... 33-40-71.

Тошкент халқ ҳўжалиги ... институти томонидан ... қулов Усмон номига ... ган 246618 номерли ... ган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узгосэнергонадзор» ... лективи шаҳар бўлими ... пектори

Нормат
РАҲМОВнинг

вафот этганлигини чуқур ... ғу билан билдириб, ... нинг оила аъзоларига ... изҳор қилади.

ТВ

ПАЙШАНБА

5 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки саёҳат».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт.
19.55 «Ишлар ва одамлар». «Тажрибанинг бошида». Кўрсатувда СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. А. Антонов иштирок этади.
20.25 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Катта шаҳар саломатлиги». Илмий-оммабоп фильм.
19.20 «Коллектив нимага қодир». 3-кўрсатув. «Курчатов уйида».
20.00—20.30 Жаҳон халқларининг ижоди.
20.45 «Автомобиль ва автохаваскор».
21.00 «Ромэн» триоси иштирокида музикали кўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 «Катта танаффус». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» —«Спартак». 3-давр.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
19.05 Ленинград Ёш томошабинлар театрининг Тошкентдаги гастроллари олдидан. «Авлодлар театри».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Партия турмуши» (рус.).
20.15 «Экиш мавсуми кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.30 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Оригинал рақслар. Репортаж.
24.00 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
18.45 Реклама.
18.55 «Бу шунчаки оддий иш эмас». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ЖУМА

6 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Олтин шайба» клубининг соврини учун.
10.25 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия.
11.30 Концерт.
12.05 «Москва бўйлаб саёҳат. Киров кўчаси». Телефильм премьераси.
12.25 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Верховина» куйлайди ва рақсга тушади.
16.50 «Москва комсомолининг ишлари».
17.35 «Рус тили».
18.05 —18.20 «Тампера—ишчилар шаҳри» (Финляндия). Киноочерк.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Жаҳон киноси усталари». Кинорежиссёр Стенли Крамер (АҚШ).
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Спартак» Танаффус пайтида (22.45)—«Агар соғлом бўлай десанг». 2-кўрсатув. Кўрсатув тугагач (23.45) — Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Ойкумен ўлкасида». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 —11.35 «Ёзувчилар В. И. Ленин ҳақида».
12.05 —12.35 «Учишга рухсат этилади». Илмий-оммабоп фильм.
14.05 Совет тасвирий санъати. А. А. Пластов.
14.35 А. П. Чехов. «Иванов».
15.20 «Йиллар ва одамлар». Қишлоқни социал ва иқтисодий ривожлантириш ҳақида.
15.50 М. Жалил поэзияси.
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Магнит суюкликлар». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Петров чалади. (фортепьяно).
19.30 «Онамларнинг мактаби».
20.00 —20.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.45 «Инсон ва қонун».
21.15 «Московские зори» хотин-қизлар хори куйлайди.
21.30 «Время».
22.00 «Телефондаги дада». Телевизион бадиий фильм премьераси (ВХР).
23.00 «Музика ҳамма учун».
00.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● УзТВ I

11.00 «Ахборот».
11.20 «Менинг Ўзбекистоним». Ҳужжатли фильм.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (такрорий).
12.50 «Диққат: светофор! Эҳтиёт бўлинг, болалар!»
13.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
13.40 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дружина шаҳар кезади».
18.40 «Социалистик мусобақа ғолиблари ҳузурида» (рус.).
19.10 «Ўлкамизни боғ-роғларга буркаймиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага — премьера» Кинокўрсатув.
23.35 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Қисқа программа. Хотин-қизлар Репортаж.

● УзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II.
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчилар учун консультация.
18.35 «Қўшиқнавис шоирлар». З. Обидов (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Шаҳримизнинг гўзаллиги ва ҳамдалиги учун».
20.50 «Саҳро қандай бўлади», «Мен кимман ўзи». Телефильмлар.
21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 АПРЕЛЬ, 1984 й.

Р—09177. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12